

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК (РУС) ТИЛЛАРИДА “БОЙЛИК” КОНЦЕПТИ ВЕРБАЛИЗАТОРЛАРНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ВА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

**Мухторова Барно Алишеровна**

инглиз тили кафедраси ўқитувчиси, докторант, ФарДУ

***Аннотация.** Мазкур мақолада “бойлик” концепти вербализаторларнинг лингвопрагматик ва лингвокультурологик жиҳатларини ўзбек ва инглиз тилларидаги мақол, матал ва афоризмлар орқали ифодаланилиши қиёсланган.*

***Калим сўзлар:** концепт, лингвокультурология, лингвопрагматика, мақол, матал, афоризм, паремиологик бирлик, лексокультурема.*

Бугунги кунда кўп тадқиқотлар тилшуносликнинг қатор соҳаларида, шу жумладан, когнитив тилшунослик, матн тилшунослиги ҳамда лингвокультурология каби соҳаларида амалга оширилмоқда. Улар орасида лингвокультурология, тил ва маданият каби икки кенг қамровли соҳаларни ўзида мужассамлаган ва тобора тараққий этаётган, истиқболли йўналиш сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги, маданиятнинг тилда акс этиш муаммоси билан боғлиқ масалаларнинг методологик асоси яқин йиллардангина бошланиши ва уларнинг асоси сифатида В.В.Воробёв, В.М.Шаклеин, В.Н.Телия, В.А.Масловларнинг ишларида акс этиб, бу соҳанинг ривожланишига катта ҳисса қўшган тилшунос олимларнинг хизмати катта. Бундан ташқари, ўзбек тилшунослигида ҳам талайгина ишлар амалга оширилган, А. Нўрмоновнинг “Ўзбек тилида лингвокультурологик йўналиш”, Н. Маҳмудовнинг “Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб”, “Ўхшатишлар- образли тафаккур маҳсули”, Н. Сайидрахимованинг “Лингвокультурологиянинг илмий асосланишига доир айрим мулоҳазалар”, “Лингвокультурологиянинг компонентлари” номли мақолалар ушбу соҳанинг дастлабки илмий ишлар саналади. Волгоград мактаби вакиллари В.И. Карасик, Е. И. Шейгалларнинг асосий эътиборни тил ва маданият каби соҳаларнинг ўзаро қиёсланилишига қаратадилар. Лингвокультурологиянинг асосий бирлиги сифатида маданий концептни келтирилади.

В.И. Карасикнинг фикрича, яъни бу тушунча аниқ ва мавҳум номларнинг мундарижасини ўз ичига оладиган “остки маъно” бўлиб, мазкур халқ маданияти ҳақида қўшимча маълумот олишни талаб қилади.

Е.И. Шейгал ва В.А. Буряковская лингвокультурологияни “олам концептуал манзарасининг алоҳида объектлари ва акс этувчи объект томонидан уларнинг жамоа онг ҳамда тилда идрок килиниши ” деб таърифлайдилар.

Тилдаги маданий белгиларни ўрганиш тилшуносликнинг шу кунга қадар эришган ютуқлари самарасидир. Лингвокультурологияга қизиқишнинг ортиб бораётгани фаннинг келажагини белгилайди. Фразеологизм ва паремиялар тилда маданий белгиларни акс эттирувчи асосий бирликлар сифатида тадқиқ этилмоқда. Ушбу мақоламизда “бойлик” концепти маданий бирлик сифатида ўзбек ва инглиз маданиятида ҳамда тилда акс этилишини кўриб чиқамиз.

Аввало “бойлик” концепти вербализаторларининг лингвопрагматик ва лингвокультурологик жиҳатлари нимадан иборат эканлигига мухтасар изоҳ бериб ўтайлик. Қийсланаётган тилларда “бойлик” концепти вербализаторлари орасида шундай турлари ҳам борки, улар у ёки бу халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи ва маданияти билан чамбарчас боғланиб кетган ва бевосита улар маданиятининг ойнаси сифатида муайян тил воситаларининг маъно таркибида ўз аксини топган булиб, уларга қуйидагилар мисол бўла олади: abundance -изобилие; избыток; богатство; достаток-бойлик, мўл-кўллик, мўллик, мўлчилик, серобгарчилик, сероблик, тўкин-сочинлик, мол-мулк, дунё, давлат; affluence-достаток, богатство, изобилие-тўкин-сочинлик, мўллик; cash -деньеги, денежная наличность-пул,нақд пул, маблағ; property-имущество, собственность-мулк, мол-мулк; prosperity-благополучие-фаравонлик; revenue-доход; выручка-даромад; riches-богатство, сокровища-бойлик, мол-мулк; richness-богатство; изобилие -бойлик, мўлчилик; security-благополучие, обеспеченность-фаравонлик, тўкин-сочинликдаги ҳаёт; worth-состояние, доход, богатство-пул, бойлик, мулк; treasure-богатство, деньеги-бойлик, хазина, пул; assets-активы; актив; средства; имущество; капитал; фонды; авуары-мулк; belongings-имущество-мулк; bounty-поощрительная премия-неъмат; capital-выгода, преимущество-фойда; in clover-не жизнь, а малина[масленица]-тўкин-сочинликдаги ҳаёт; commodities-товар, предмет купли, предмет продажи-товарлар; copiousness-плодовитость; изобилие-бойлик; cornucopia-роғ изобилия-мўл-кўллик; dough-деньеги -пул (норасмий, оғзаки нутқда); estate-имущество-мол, мол-мулк; fortune-богатство-бойлик, давлат, мулк; funds-финансовые средства-маблағлар; goods-имущество-мулк; gold-деньеги, сокровища, богатство-бойлик, хазина, олтин, тилла; luxuriance-изобилие, достаток, избыток, богатство-бойлик, тўкин-сочинлик, дабдаба; lucre-выгода-даромад; luxury-богатство, пышность, роскошь-бойлик, дабдаба, тўкин-сочинлик; means-материальные ценности, богатства; сокровища-бойлик, хазина; hoard-запас-жамғарма; holdings-вклады, авуары-ҳисса; opulence-

изобилие, богатство-мол, тўкин-сочинлик; pelf-деньги, презренный металл; богатство-пул, бойлик; plenitude-обилие, изобилие, богатство- тўла-тўкислик, сероблик, тўкин-сочинлик; plenty-(из)обилие; достаток- серобгарчилик, тўкин-сочинлик; possessions-собственность; имущество- мулк; profusion -изобилие, богатство; избыток- мўлчилик, тўкин-сочинлик, серобгарчилик, бойлик; store-запас- захира; substance- имущество, состояние-мулк; debt -долг-қарз; need - нужда, бедность, ницета- камбағаллик, муҳтожлик; lack - отсутствие; недостаток-муҳтожлик, етишмовчилик, камчилик; poorness -бедность-камбағаллик, ночорлик, танқислик, камлик, озлик, камчилик, етишмовчилик; poverty- бедность, ницета, нужда, скудость-камбағаллик, қашшоқлик; scarcity - нехватка; дефицит; недостаток-танқислик, камчилик; want - нужда; ницета, бедность-етишмовчилик, қашшоқлик; *пора, хемири, бир тийин, икки тийин, бир пул, икки пул, сариқчақа, порахўр, порахўрлик, сармоя, сармоядор, сармоячи, соқол, шапка, тилла, олтин, жавохир, кумуш, ёгламоқ, , пулдор, пулсиз, сармоясиз, сармояли, соқол, бой, бадавлат, бойота, бойона, хожиака, хожиона, хожибуви, оч, ялангоч, юпун, бой, батрак, бойвачча, бойвучча, ночорлар, йўқсиллар, бели бақувват, пора олмоқ, пора бермоқ, соқол бермоқ, шапка бермоқ ўзига тўқ, ўзига тузук, ўзига тетик, ўзига яхши, жири бор одамлар, қўли юпқа, бечора одамлар, антропонимлар( Тиллавои, Тиллавожди, Олтинбек, Жавохир, Маржона, Дурдона, Кумушхон Кумушбиби, Тиллахон, Олтиной, Олтинхон, Олтинбиби, топонимлар: Кумушкон, Олтинтепа,*

Қиёсланаётган у ёки бу тилдаги юқорида келтирилган барча тил бирликлари мураккаб синкретик семантикага эга бўлиб, ўзларида ҳам лингвокогнитив , ҳам лингвокультурологик семантикани мужассамлантирган бўлиб, мулоқотда “лингвокультурема”лар мақомида хизмат қиладилар.

Эмпирик материаллар юзасидан олиб борган тахлилларимиз шуни кўрсатдики, тилларда “бойлик” концепти(ёки концептуал семантикаси)ни ўзлари орқали воқелантирадиган куйидаги лингвокультуремалар мавжуд;

Морфолингвокультуремалар: ўзб.: *пора+хўр, сармоя+дор, сармоя+чи, бой+вачча, бой+вучча, бой+ота, бой+она, пул+дор, пул+сиз, сармоя+сиз, сармоя+ ли; ингл.:* *moneygrubber, moneyworship, moneymania, moneyed, moneyless, moneybag, moneychanger, moneyer, moneyleader, moneylender, moneylending, moneymaker, moneymaking, moneyless, moneyspinner, moneyminded, moneylaundering, nonmoney, moneysaving, moneyspider ва Ҳ.к.,*

Лексокультуремалар: *Ўзб.:* *пора, хемири, порахўр, порахўрлик, сармоя, сармоядор, соқол, шапка, тилла, олтин, жавохир, кумуш, ёгламоқ, , пулдор, пулсиз, сармоясиз, сармояли, соқол, бой, бадавлат, бой ота, бой она, ялангоч,*

юпун, бой, батрак, бойвачча, бойвучча, ночорлар, йўқсиллар, **ингл.:** moneyage, moneywise, moneygrubber, moneyworship, moneymania, moneyed, moneyless, moneybag, moneychanger, moneyer, moneyleader, moneylender, moneylending, moneymaker, moneymaking, moneyless, moneyness, moneys, moneyspinner, moneyminded, moneylaunders, nonmoney, moneysaving, moneyspider, moneysupply, moneyorder, bill, capital, cash, check, fund, property, banknote, bankroll, bread, chips, coinage, dough, finances, funds, gold, gravy, greenback, loot, pesos, resources, wealth, riches, posh, roll, silver, specie, treasure, bucks, green, leaves, cabbage, ва ҳ.к. ;

Синтаксемалар: а) фразекультуремалар: ўзб.: бели бақувват, пора олмоқ, пора бермоқ, соқол бермоқ, шапка бермоқ ўзига тўқ, ўзига тузук, ўзига тетик, ўзига яхши, жири бор одамлар, қўли юпқа, бечора одамлар, бир тийин, икки тийин, бир пул, икки пул ва ҳ.к.; ингл. : money multiplier, money dropper, money-launders expert, wealthy man, wealthy woman, money spinner, money squeeze, money spiders, money scarcity, money reward, money pressure, money pool, money outstanding, monetary overhang

б) сентенсокультуремалар: ўзб.: Пулнинг ҳиди булмайди. Одамни пул одам қилади. Илмга сарфланган пул доимо ўзини оқлайди. Пул эгасини бузади. Ингл.: Money often unmakes the men who make it. Money makes the mare go. Money burns a hole in the pocket. Money begets money. Money answers all things. Money burns a hole in someone's pocket. Money has no smell. Money is the root of all evil. Money makes the man. Money spent on the brain is never spent in vain.

Фразеокультуремалар (номинатив тури): ўзб.: Пулни шопурмоқ, пулни совурмоқ бели бақувват, пора бермоқ, бир тийин, икки тийин, бир пул, икки пулсоқол бермоқ, шапка бермоқ ўзига тўқ, ўзига тузук, ўзига тетик, ўзига яхши, жири бор одамлар, қўли юпқа, бечора одамлар, make money, make fortune, money for a rainy day, money multiplier, money dropper, money-launders, money-lauderer, wealthy man, wealthy woman, money pool, money outstanding, monetary overhang, money reward, money pressure, money spinner, money squeeze, money spiders, money scarcity ва ҳ.к.

Фразеокультуремалар (коммуникатив тури - паремиемалар): Money often unmakes the men who make it. Money makes the mare go. Money burns a hole in the pocket. Money begets money. Money answers all things. Money burns a hole in someone's pocket. Money has no smell. Money is the root of all evil. Money makes the man. Money spent on the brain is never spent in vain.

Юқоридагиларга қўшимча тарзида шуни айтиш мумкинки, лингвокультурология бевосита ва билвосита миллат ва унинг кадриятлари билан

иш олиб боровчи соҳадир ва бу албатта унинг тилида акс этади. В.А. Маслова таъкидлаб ўтганидек, “тил-бу миллатнинг вербал хазинасидир...”. Шундай экан, миллат ҳаётида, унинг ёзма ҳамда оғзаки нутқда фаол қўлланилиб келаётган вербализаторларидан бири паремиялар ҳақида “бойлик” концептига оид мисоллари ҳамда уларнинг лингвопрагматик ва лингвокультурологик жиҳатлари қиёсий таҳлили билан танишамиз.

Паремиялар фразеомаларнинг бир тури, яъни мақоллар, маталлар ва афоризмлардир. Энди, ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтсак ҳамда “бойлик” концептига оид мисоллар орқали кўриб чиқамиз.

Матал деб, кўчма маънода ишлатилувчи халқ мажозий ибораларнинг бир турига айтилади. Матал ўз маъносидан бошқа маънога кўчирилган сўз бирикмаларидан иборат бўлади, унда ўхшатиш, киноя, қочирма сўз ва бошқа тил воситалари қўлланилади. Шу хусусиятлари билан матал фикрни бевосита ва содда ифодаловчи мақолдан фарқ қилади. Маталда мажозий иборанинг ўз асл маъноси ўртасида яқин муносабат, мантикий боғланиш бўлиши шарт. Мисол учун, ўзбек тилида “Пул жигардан пайдо бўлади”.

Инглиз тилида маталга шундай таъриф берилган: *Saying is a well-known phrase or statement that expresses something about life that most people believe is wise and true.* (Матал деб, кўп инсонлар томонидан донолик ва ҳақиқатга асосланган ҳаётдаги бирон бир тушунчани ифодаловчи машҳур ибора ёки гапга айтилади.) Масалан, инглиз тилида “*Money does not grow on trees*”, “*Money can not buy happiness*” (ўзбек тилида: *Бахтни пул билан сотиб олиб бўлмас*, рус тилда: *Деньгами чувства не купишь*)

Рус манбаларига мурожаат қиладиган бўлсак, маталга шундай таъриф берилган: “Выражение, преимущ. образное, не составляющее, в отличие от пословицы, законченного высказывания и не являющееся афоризмом”. Кўриниб турибдики, турли тизимли тилларда (ўзбек, рус, инглиз тиллар)ги маталга берилган таърифнинг умумий ўхшаш ҳамда фарқли томонлари мавжуд.

Кейинги паремиялогик бирлик мақол ҳақида сўз юритамиз. Мақол деб, турмуш тажрибалари заминида туғилган ва халқ донолигини ифодалаган қисқа, чуқур маъноли иборага айтилади. Мақол кўпинча ўғит, насиҳат характерига эга бўлади ҳамда мақолда параллелизм, оҳангдор товушлар бўлади.

Инглиз тилида мақолга шундай таъриф берилган, “*Proverb is a well-known phrase or sentence that gives advice or says something that is generally true*”. (Мақол деб, бирон бир нарса умумий жиҳатдан ҳақиқатга йўғрилган ёки маслаҳат берувчи ибора ёки гапга айтилади.)

Масалан, ўзбек тилида: *Пуликка-кабоб, бенулга- дарди кабоб*; инглиз тилида *No money, no swiss*. Ўзбек ва инглиз тилларда келтирилган бу иккала мақолларда оҳангдор товушлар қўлланилганлиги ҳамда маълум тажрибага йўғрилганлиги кўриниб турибди.

Рус тилида мақолга шундай таъриф берилган, “краткое народное изречение с назидательным смыслом: народный афоризм”. Учала таърифларнинг умумий жиҳати шундан иборатки, халқ томонидан қўлланилиб келадиган, маълум бир маслаҳат берувчи, машҳур ибора. Рус тилида “бойлик” концептига оид бир қанча мақоллар бор. Масалан, *Не имей сто рублей, а имей сто друзей; Денег нету — и дела нету; Деньги к деньгам; Денег много, да разума мало*. ва ҳкз.

Матал ва мақоллар бир-бирига жуда яқин бўлиши билан бир қаторда фарқли томонларга ҳам эга. Масалан, маталнинг шаклий кўриниши, асосан, ўзгармайди: *Пули борнинг қўли ўйнар, пули йўқнинг кўзи ўйнар*.

Мақол тимсол воситасида иш кўрар экан, жамият ҳаёти, халқ турмуши билан боғлиқ ҳолда унинг тимсоллари тизмаси – шакли ўзгариб туради. Масалан, *Пул пулни чақиради. Пулни пул топади. Пул пул келтирар*. Мақолнинг маталдан асосий фарқи мақолнинг идиомалашган кўчма маънога эга эканлиги ва маталнинг бу хусусиятга эга бўлмай фақатгина тўғри маънода қўлланишида кўринади, бундан ташқари маталда тугалланмаган фикр мавжуд. Мақоллар, содда гап орқали ифодаланган мақол ва матал, қўшма гап гап орқали ифодаланган мақол ва матал, эвфоник таркибли мавол ва маталлар.

“Бойлик” концептини ифодаловчи кўплаб мақолларни ўзбек ва инглиз тилларида мисол тарзида келтиришимиз мумкин. Масалан, “Пул отанг ким, онанг ким демайди” ёки пулнинг ҳиди бўлмайди, (инглиз тилида *Money has no smell*, рус тилида *Деньги не пахнут*), “Тийин қадрини билмаган, сўм қадрини билмас” (инглиз тилида “Take care of the pence and the pounds will take of themselves”, “Пулни кўп деб шопирма, йўқ вақти зор бўласан” (инглиз тилида “Waste not, want not, “Пул топгунча, ақл топ” (инглиз тилида “The love of money and the love of learning rarely meet) “Пул пулни чақиради” (инглиз тилида “Money makes money”). Бундай мисолларни жуда кўп келтиришимиз мумкин. Келинг ушбу парамонологик воситаларни, матал ва мақолларни бир неча семантик гуруҳларга бўлиб, кўриб оламиз:

- 1) бойлик қудратини ифодаловчи мақоллар, ўзбек тилида “*Бой бўлсанг, кунда ҳайит, кунда тўй, йўқ бўлсанг, кунда ҳасрат, кунда ўй*”, “*Бойнинг божаси кўп, қулнинг- хўжаси;*” “*Пул бўлса чангалда шўрва*”, “*Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг ўгли гапирсин*”, “*Пул тилни бийрон, дастни дароз қилар*”, инглиз тилида “*Money talks*”, “*Money is power*”, “*Money makes the world go*

round”, “Money makes the mare to go”; рус тилида “Деньги всему голова”, “Деньги лучше уговора”, “Деньги найдут друга”, “После Бога-деньги первые”, “Деньга и камень долбит” ва ҳқз.

- 2) бойликни ахлоқий меъёрлардан юқори қўйиш каби маънони ифодаловчи мақоллар, ўзбек тилида “Бойнинг моли ардоқли, йўқнинг-жони”, “Бойнинг хотини бўлгунча, камбагалнинг кавуши бўл”, “Бойнинг хотини ўлса, тўшак янги бўлар, камбагалнинг хотини ўлса, боши қайғуга қолар”, “Бойнинг ўгли келса - тўрға, камбагалнинг ўгли -гўрға”, “Бойнинг ўгли- ҳангамачи, йўқнинг ўгли-дангамачи”, “Бойнинг қизи -сени билан, йўқнинг қизи - кўрки билан”, “Пул отанг ким, онанг ким демайди”, “Пули борнинг юзи бор”; инглиз тилида “You pay your money and you take your choice”, “Money is the wise man’s religion”, “When money speaks, the truth keeps silent”, “Never marry for money but marry where money is”; рус тилида “Богатство ум рождает”, “И барину деньга господин”, “Когда деньги говорят, тогда правда молчит”, “Рубль-ум, а два рубля-два ума”, “Деньги при бедре помогают при беде” ва ҳқз.
- 3) Ахлоқий меъёрларни бойликдан юқори қўйиш маъносини ифодаловчи мақоллар, ўзбек тилида “Камбагалнинг бойлиги-танининг соғлиги”, “Пул топгунча, ақл топ”, “Ақлдан ортиқ бойлик йўқ”, “Асл бойлик-қаноат”, “Бойлик мурод эмас, йўқлик уят эмас”, “Бойлик бойлик эмас, аҳиллик - бойлик”, “Бойлик-бир ойлик”, “Бойлик кетса кетсин, ор-номус кетмасин”, “Пул топгунча, ҳисоб топ, “Пулни сен топасан, пул сени эмас”, инглиз тилида “Love of money and the love of learning rarely meet”, “Money can not buy happiness”, “Money is the root of evil”; рус тилида “Денег как грязи”, “Без денег сон крепче”, “Деньгами душу не выкупишь”, “Лишние деньги- лишняя забота” ва ҳқз.
- 4) бойликнинг инсонга таъсири каби маъноларни ифодаловчи мақоллар, ўзбек тилида “Бой бой учун тиришар, камбагал камбагалга бўлишар”, Бой кийса - қуллуқ бўлсин! камбагал кийса қаёқдан олдинг?; Бойнинг кўзи нонда, камбагалники – имонда; Бой тўй тузар, камбагалнинг тўни тўзар; Бой қўшинингдан сўрагунча, йўқ уйингни ахтар; Бойга меҳмон бўлсанг, бақирасан, камбагалга меҳмон бўлсанг, кекирасан; Бойга меҳмон бўлсанг, жонинг чиқар, камбагалга меҳмон бўлсанг, қоминг чиқар; Бойдан амр бўлса, бойваччадан хамир бўлар; Бойдан қарзинг узилгунча, бўйнинг узилар; Бойнинг бир йўқлиги, очнинг бир тўқлиги; Бойнинг буғдой нонидан, камбагалнинг буғдой сўзи яхши; Бойнинг жон бергани билинмас, камбагалнинг -нон бергани; Бойнинг кўзи-бой, йўқнинг кўзи -лой; Бойнинг

кўзи -хонда, йўқнинг кўзи – нонда; Камбагал бош кўтарса, бой тош кўтарар; Камбагал бўлсанг, кўчиб кўр, бой бўлсанг -ўлиб; Камбагал нон ейди, бой -қон; Камбагал- пиёда, бой -туяда; Камбагал -тонганда, бой-согинганда; Камбагал тўйса, бой ухлмас; Камбагалнинг бахти бойнинг тахтини йиқитар; камбагалнинг бир тўйгани- чала бойигани; Камбагалнинг минг ўйлови-бойнинг бир мўйлови; Бойнинг хўрози ҳам тухум қилар; бойнинг оғзи қийшиқ бўлса ҳам, сўзи тўғри; Бахил бойга боргунча, карамли тоққа бор; Бой топса, босиб ер, ботир топса, барча ер.

“Пул кўнайса одам бузилар”, “Касал жоннинг ҳаракатида, табиб пулнинг ҳаракатида”, “Пул тилни бийрон, дастни дароз қилар” ; инглиз тилда “Money makes a man”, Money often unmakes the men who make it”, “Bad money drives out good”, “Money is a good servant but a bad master”, “Lend your money and lose your friend”.

Юқорида “бойлик” концептини ифодаловчи ҳақида келтирган мақол ва маталлар шуни кўрсатиб турибдики, бойликнинг инсонга таъсири каттадир. Бойлик инсонни яхши ҳамда ёмон томонга ўзгартириши мумкин. Бойлик инсонларни бой ҳамда камбағал гуруҳларига бўлади, яъни табақаланишига олиб келади, матал ва мақоллар ёрдамида биз инсонларнинг бойликка бўлган муносабатини билиб олдик ва буни уларни семантик гуруҳларга бўлдик. Бундан ташқари паремиологик бирликлардан яна бири афоризмлардир. Афоризмлар-ҳикматли сўзлар. Улар грамматик жиҳатдан гап ҳолида шаклланган, аниқ, ихчам, чуқур мазмунли маълум шахс томонидан яратилган барқарор бирикмалар.

Инглиз тилида афоризм шундай таърифланган : “an aphorism is a concise, terse, laconic, or memorable expression of a general truth or principle”.

Рус тилида афоризмга шундай таъриф берилган : Афоризм -оригинальная законченная мысль, изречённая или записанная в лаконичной форме и впоследствии неоднократно воспроизводимая другими людьми.( Асл тугалланган фикр, қисқа шаклда айтилган ёки ёзиб олинган ва кейинчалик бошқа одамлар томонидан қайта-қайта такрорланган.)

Лекин учала тилларда афоризмга берилган таърифда аниқ, ихчам, лўнда , қисқа, сермазмунли деган сўзлар қатнашган бўлиб, шундай ҳолатда улар ўзаро умумийликни ҳосил қилади ва буни биз қуйидаги мисоллар орқали кўриб чиқишимиз мумкин ва албатта бу мисоллар “бойлик” концепти орқали кўрилади. Масалан,

Ўзбек тилида,

Пулу мол йиғишни қилурсан ҳаёл,



Этиб умр сармоясин поймол. *Саъдий Шерозий.*

Кўп бино кўйма пул-у молингга ҳам,

Бир кун ундан келур бошингга ғам. *Абдурахмон Жомий.*

Инглиз тилида,

“Time is more valuable than money. You can get more money, but you cannot get more time.” *Jim Rohn*

“Never spend your money before you have earned it.” *Thomas Jefferson*

Рус тилида,

Удивительный парадокс: граждане гораздо охотнее жертвуют своей жизнью, чем своими деньгами. *Ален Грош*

Считать деньги в чужом кармане нехорошо, но интересно. *Л. Крайнов-Рытов*

Турли тизимли тилларда “бойлик” концептини вербал воситаларнинг лингвомаданий ҳамда лингвопрагматик жиҳатдан мисоллар орқали ифодаланишини юқорида кўриб чикдик. Ушбу воситалар тилимиз ва маданиятимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолганлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Уларнинг ёзма ва оғзаки нутқда фаол қўлланилишини биз нодир асарларда ва инсонларнинг кундалик ҳаётида кўришимиз мумкин.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. “Сангзор” нашриёти Жиззах- 2001
2. М. Саидова, У.Кўзиев. Лингвокультурология. Наманган, 2017
3. Маслова В.А. Введения в лингвокультурологик, - М.: Наследие, 1992
4. Телия Н.В. Дипы языковых значений. Связанное значение слова в языке.-М., 1981
5. Мухторова, Б. А. (2023). ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА “БОЙЛИК” КОНЦЕПТИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ. GOLDEN BRAIN, 1(5), 99-103.
6. Alisherovna, M. B. (2020). Comparative analysis of the English and Russian proverbs and sayings representating the concept" money". Проблемы современной науки и образования, (4-2 (149)), 43-45.
7. Mukhtorova, B. (2023). THE LINGUISTIC AND CONCEPTUAL PICTURE OF THE WORLD. Science and innovation, 2(B1), 461-466.
8. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/ozbek-xalq-maqollari>
9. <https://maqollar.uz/cards/category/boylik-faqirlik>